

30,05,2016 й 210-сон

## **БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ҚАРОРИ**

### **Ўлчов асбоблариға эга бўлмаган истеъмолчилар учун бир ойда сарфланадиган иссиқ сув ва ичимлик суви меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 июлдаги 271-сонли “Уй-жой-коммунал хизматларнинг ўз харажатларини ўзи қоплашига босқичма-босқич ўтиш муносабати билан норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 19-20-сон, 143-модда), Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2007 йил 7 июнда 1687-сон билан рўйхатга олинган ”Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқиш, узатиш учун ёқилғи, электр энергияси, иссиқлик энергияси ва сув сарфларининг меъёрларини ҳамда иссиқлик юкламаларини, шунингдек технологик йўқотишларни аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 23-сон, 245-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 3 февралдаги 05/5-19-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2016 йил 11 январдаги ММ/15-04-34-11/3-40-сонли топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Бухоро вилояти бўйича сув ўлчагичларига эга бўлмаган истеъмолчиларнинг хўжалик-ичимлик сув эҳтиёжлари учун сув истеъмол қилишнинг меъёрлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Бухороэнергомарказ” ОАЖ (А.Қараев) ва вилоят “Иссиқлик манбаи” АЖ (Ж.Усмонов) “Ўздавэнергоназорат”, “Ўздавнефтгазинспекция”, “Саноатконтехназорат” давлат инспекциялари вилоят бўлимлари “Ўзкоммунхизмат” агентлиги билан келишилган ҳолда бир ой муддатда иссиқлик энергиясини ишлаб чиқиш ва узатиш учун ёқилғи, электр энергияси ва сув сарфларининг меъёрларини ҳамда иссиқлик юкламаларини, шунингдек технологик йўқотишлар меъёрларини тегишли ҳисоб китоблар асосида ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун вилоят ҳокимлигига тақдим этиш топширилсин.

3. Шаҳар ва туманлар ҳокимларини “Бухороэнергомарказ” ОАЖ (А.Қараев), вилоят “Иссиқлик манбаи” АЖ (Ж.Усмонов), вилоят “Сувоқава” давлат унитар корхонаси (Ф.Тўхтаев) билан биргаликда:

иссиқ сув ва ичимлик суви билан таъминланган истеъмолчиларни бир ой муддатда қайта хатловдан ўтказиш;

ичимлик сувининг янги меъёрлари бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширилишини таъминлаш топширилсин.

4. Ушбу қарор “Бухоронома” ва “Бухарский вестник” газеталарида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг buxoro.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Вилоят ҳокимининг 2011 йил 26 январдаги 47-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Ф.Атаев ва X.Фойиров зиммаларига юклансин.

**Вилоят ҳокими**

**М.Эсанов**